



Катта давлатларга карз бериб дунё устидан ҳокимият ўрнатган Ротшильд оиласи Фаластинда яхудий давлати курилишини кўллаб-қувватлаганди.

Боболари Иброҳим алайҳиссалом Ироқдан келиб жойлашган Фаластиндан милоддан кейинги 2-асрда Рим зулми сабабли дунёнинг ҳар жойига ёйилган яхудийлардан бир гуруҳ XIX асрнинг модасига эргашиб она юрт идеали пайига тушди. Дунё бойваччаси яхудий Ротшильд хонадони ҳам бу гоё хомийларининг бошчиси эди.

Ротшильдлар XVIII асрдан буён банкирлик қилиб бойлик тўплаган, Европа ўлкаларига ёйилган ва аслзодалиқ унвонини ҳам олиб улгурган Германиялик яхудий оила эди.

1897 йили Швейцариянинг Базель шаҳрида тўпланган бу миллатчи яхудийлар (сионистлар) ўша даврнинг энг кучли ўлкаси Британияга мурожаат қилиб, Фаластинда давлат қуришга ёрдам беришларини сўрайди. Бу жой Тавротда уларга “ваъда қилинган тупроқ” эди. Бу ходиса Куръони қаримда ҳам ўтади (Моида, 21). Сион Қудусда ҳазрати Сулаймон қурдирган Байти Макдиснинг устида бўлган бир тепаликнинг номидир.

Усмоний ҳукумати ватан яхлитлигига таҳдид солувчи бу ҳаракатга қарши тадбирлар олди. Хорижликларнинг Хижоздан ташқари Усмоний мамлакатада ер сотиб олишларига ўзаро боғлиқлик шарти билан рухсат берувчи 1869 йилги қонун суистеъмолидан қўрқди. 1871 йили Фаластиннинг 80% майдони давлат номига ўтказилди. Ўша йиллари Фаластинда бир неча минг Усмоний ватандоши бўлган яҳудий яшар эди.

1881 йили Россияда қирғинга учраган яҳудийлар Ротшильд ва Хирш каби дунёга машҳур яҳудий бойлар ҳомийлигида оммавий равишда Фаластинга қўчирилмоқчи бўлди. Бунга сионист адабиётида “алиях” дейилади.

Шунда султон Абдулхамид хон II 1882 йили апрель ойида Фаластинга яҳудийлар қўчиб келишини тақиқлайдиган, лекин яҳудийларнинг 150 оиладан ошмаслик шарти билан императорликнинг исталган жойига келиб жойлашишларига рухсат берувчи фармон чиқарди. Фаластиндаги стратегик тупроқларни хазина-и хосса деб аталайдиган шахсий хазинаси ҳисобига сотиб олишни бошлайди.

Ротшильдлар 1882 йилдан бошлаб бошқалар номидан Фаластиндан ер сотиб олишга киришади. Бутун давлатларга қарз бергани учун халқаро қучга эга бўлган Ротшильдлар қочоқ Россия ҳудудларининг бу ерларга жойлашишига рухсат берилишини сўрайди. Элчиҳоналар ўртага тушади. Ҳукумат нима қилишга ҳайрон эди. Ўша йили рухсатни қутмасдан илк яҳудий колонияси Яфага жойлашади. 1918 йилга келганда Фаластиндаги унумдор ерларнинг 5%и Ротшильдларга тегишли эди.

1891 йили Россиянинг яҳудийларга нисбатан босимни орттириши туфайли мигрантлар Европадаги ёрдам жамиятлари тарафидан гайрирасмий ва гарйиконуний йўллар билан Фаластинга қўчиб кела бошлади. бу йўлларнинг бошида маҳаллий маъмурларга пора бериш, сохта паспорт, сохта рухсат ҳужжати турарди.

Масалан 1881 йил Франция ишғол қилган Тунис аҳолисини Усмоний ҳукумати ватандош ҳисоблар эди. Яҳудийлар сохта ҳужжатлар билан тунислик киёфасида Усмоний ўлкасига кириб, ватандош статуси билан Фаластинга жойлашарди.

Фаластинда Сафед қасабасига жойлашиб, ватандошлик олиш учун 1891 йили ариза берган 440 яҳудийнинг талаби рад этилди. Фармон устига фармон чиқарилиб, бунга эътибор қаратилди. Лоқайд маъмурларни жазолашга қўрсатма берилди. Архивлар бунга доир ёзувлар билан тўла.

Буларга қарамай Фаластинга яҳудий қўчиши тўхтамади. Бунга моне бўла олмаслигини тушунган бош вазир Жавод пошо Ротшильдлар билан келишиб, бошқа мигрант келтирмаслик шарти билан аввалгиларга қўз юмади. Бунинг ортидан 1894 йили султон уни вазифасидан озод этиб, Шомга сургун қилади. Бундан ташқари икки вали ва баъзи маъмурлар ишдан олиниб, жазоланади.

1900 йили муқаддас ерларга кириш шартлари қучга қиритилди. Бунга қўра, Фаластинни зиёрат қиладиган ҳар бир яҳудий қасби, миллати ва зиёрат сабаби қўрсатилган ҳужжат ёки паспорт олиб юриши шарт эди. Яҳудийларнинг қўлидаги бу “Қизил ҳужжат”

Фаластинга борганида расмий макомлар тарафидан олиниб кайд этиларди. Келганига 30 кун тўлганидан кейин ўлкадан чиқарилиб юбориларди.

Усманий ҳукумати маҳаллий яҳудийларнинг сионистлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича ҳам ишлар олиб борди. Хар яҳудий сионист эмасди. Хеч нарсага аралашмасдан тинчгина умр сураётган яҳудийларга тегмаслик керак эди. Бу эса жуда нозик мувозанатни талаб этарди.

Бу орада сионист ҳаракатининг бошчиси Теодор Герцль султон Абдулхамидхон билан учрашмоқчи бўлди. Кабул қилинмагач, султоннинг дўсти бўлган Польшалик таниши Филипп Нюлинский воситасида 1901 йили май ойида бир таклиф юборади. Таклифга кўра, Фаластин яҳудий кўчишига очилиши ва у ерда мухтор яҳудий давлати қурилиши эвазига Усманий давлатининг қарзлари кечилади ҳамда Европа халқига орасида султонни мадҳ этувчи ташвиқот юритилади.

Султон бу таклифни рад этди. Кейинги йил ушбу таклифни қабул эттира олмади. Қарз сабабли Мисрнинг бошига тушган ишлардан чўчиган султон Герцлнинг консалидация таклифини иссиқ қабул қилганди. Уни бу мавзуда воситачи сифатида кўрарди. Холбуки Герцлни фикри бунга қарши колонизация таклифи эди.

Ҳукуматнинг Ротшильдлардан қарзланиб, эвазига Фаластиндан ер сотиб олишларига кўз юмганлиги иддаоСИ уйдирмадир. Султон Абдулхамид замонида аввал улардан олинган қарзлар янгиланган эди. Шунинг учун қарз ола билиш учун ўзини ўтдан чўкка уришнинг хожати йўқ эди. Дуюни Умумия идорасини қуриб, ташқи қарзларни назоратга олиб, давлатнинг кредит олиш даражасини кўтариб, салтанати вақтида олинган ташқи қарзлар қурилишга сарфланганди.

Усманий ҳукуматининг баъзан нотўғри ҳаракат қилиши ёки қучи етмагани учун олдини олишнинг имконини топпаганлиги мумкин ҳолат. Лекин қарз эвазига бунга кўз юмганлигини иддао қилиш аҳмоқликдир.

Хеч бўлмаганида Ротшильд ёки Герцль билан қелишиб, тахтини муҳофаза қиларди. Шу шаклда Исроил қуриларди. Бунинг устига султон қарздан ҳам кўра кўпроқ тахтини муҳофаза қилишга аҳамият берарди. Лекин Усманий султонларининг вазифаси фазилат қурашидир. Шозалик шайхи Абуш-Шомат Махмуд афандига ёзган 1913 йилги мактубида тахтини бой беришининг асосий сабаби сифатида бу талабларни қабул қилмаганлиги кўрсатилганди.

Султон Абдулхамидни тахтдан тушириб, ҳукумат бошига қиккан иттиҳодчилар аввало султонга оид ҳазина-и хосса ерларини давлатлаштирдилар. Уларни дастаклаган сионистларни мамнун қилиш учун Фаластинга яҳудий кўчишини бемалол қилиб қўйишди.

Бунинг ортидан воқеанинг аҳамиятини тушуниб, Фаластинда хорижликларга ер сотишни тақиқлаган бўлишса ҳам имконни қўлдан бой беришганди. Яҳудийлар 1908-1914 йилларда 50 минг квадрат метр ер сотиб олиб, 10 дона колония қуришди. 1913 йили ҳазина-и хосса ерларини Ротшильдлар сотиб олди.

Усмоний ахолини кайта рўйхатига олиш хужжатларига кўра, Фаластинда 1881 йили 9500; 1896 йили 12500; 1906 йили 14200; 1914 йили 31 минг яхудий яшаган. Сионистлар 1917 йили хорижия вакили Артур Бальфур билан келишди. Яхудий бойлигига умид килган Британия Бальфур декларацияси билан яхудийларга Фаластинда давлат ваъда килди. Сурия fronti парчалангач, Фаластин инглизлар томонидан ишгол этилди.

Инглиз бошқаруви даврида такикларга карамай яхудий кўчиши ортди. Германия фашистлари босқини ҳам буни кучайтирди. Фаластиндаги яхудийлар энди эгасиз ер участкаларини эгаллаб, бундан ташқари ҳукумат ёки шахслардан сотиб олиш йўли билан истаганча ер со хиби бўлишлари мумкин эди.

Араблар иктисодий жихатдан кийин ахволга туширилиб, ерларини сотишга мажбурланди. Масалан ҳосил вақтида портга келган бугдой юкланган кемалар бугдой нархининг тушишига сабаб бўларди. Бу ходиса келаси йил ҳам такрорлангач, аввал ерини ипотека килдирган деҳкон энди сотишга мажбур бўларди.

Усмоний даврида аҳоли кўп солиқ тўламаслик учун ерини ўз номига кайд эттирмас ёки майдонини кам кўрсатарди. Мана шу ерлар ҳам сотиб олиш йўли билан яхудийларнинг кўлига ўтди. 1948 йилга келиб Фаластин аҳолисининг ярмидан кўпи яхудий ва ерларининг ҳам ярмидан кўпи уларга тегишли эди.

Яхудий тўдалар террор ҳаракатлари билан инглизларни минтакани бўшатишга мажбурлади. Тузokka туширилган Британия 1939 йили Бальфур декларациясининг улкан ҳато бўлганини эълон килади.